

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА “LABOR MIGRATION” ЭЛЕКТРОН ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Гульмира Байирбековна Азаматова
Жиззах политехника институти ўқитувчиси
g.azamatova1987@bk.ru

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш, хорижда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ижтимоий ва ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантиришда “**Labor migration**” электрон дастури таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, меҳнат миграцияси, ташқи меҳнат миграцияси, қонуний меҳнат миграцияси, меҳнат мигранти, “**Labor migration**”,

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида 2016 йилдан бошлаб ташқи меҳнат миграциясига алоҳида эътибор қаратилиши асосида ташқи меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солишни қонунийлаштиришга қаратилган турли ҳуқуқий ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Сабаби тартибли ва самарали меҳнат миграциясини ташкил этиш, аввало, оилалар иқтисодий даромади кўпайишига сабаб бўлади. Шу сабаб чет элда меҳнат қилаётган Ўзбекистонлик мигрантларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Корея давлатлари билан меҳнат миграцияси бўйича бир неча халқаро битимлар имзоланди. Ўзбекистон фуқароларининг хорижда самарали меҳнат фаолиятини олиб бориши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги 5785-сон фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Президент ва Ҳукуматнинг ушбу кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари билан қамраб олиш кўламини кенгайтиради, фуқароларимизни хорижда ва Ватанимизда уюшган тарзда ишга ёллаш, тайёрлаш, мослаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ва назорат қилиш йўллари белгилайди. 2020 йилнинг 15 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида хорижий давлатларда ўз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш, вақтинчалик



меҳнат фаолиятини яқунлаб, ватанига қайтиб келган фуқароларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган янги тизим жорий қилинди. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам берадиган **“Call-марказ”** фаолият бошлади.

2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг жами 1 миллион 678 минг 400 нафар меҳнат мигрантлари хорижда фаолият олиб бормоқда. Мигрантлардан 481,1 минг нафари (28,7 фоиз) аёлларни, 993,7 минг нафари (59,2 фоиз) ёшларни ташкил этмоқда.


Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга иш берувчи мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот шароитлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ёрдам чоралари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда тақдим қилиш, хорижда меҳнат қилишга кетган меҳнат мигранти ва унинг иш берувчиси ўртасидаги муносабатларини назорат қилиб туриш мақсадида **“Labor migration”** дастурий мажмуаси қабул қилинди.

Глобаллашув рақамли технологияларнинг тез ривожланиши бориши ҳар қандай мамлакатда рақамли иқтисодийнинг ривожланишида иқтисодий-ижтимоий соҳаларга таъсири муҳим аҳамият касб этади. 2022 йилда **“Labor migration”** электрон дастурида 292 минг 198 нафар фуқаро рўйхатдан ўтган бўлиб, уларга 288 мингдан ортиқ турли хил хизматлар кўрсатилди. Жумладан, авиа ва темир йўл чипталарини имтиёзли нархларда сотиб олиш бўйича - 164 мингта, имтиёзли суғурта полисини рўйхатдан ўтказиш бўйича - 9 минг 505 та, шунингдек, имтиёзли уй-жой олиш учун зарур ҳужжатлар ва тақдимномалар тақдим этиш бўйича 3 минг 937 та хизматлар кўрсатилди. Меҳнат мигрантларини рўйхатга олиш тезкорлигида **“Labor migration”** электрон дастури самарали фаолият юритмоқда. Чунки бу дастурий таъминот тўпламининг функциялари меҳнат мигрантлари учун қулай қўшимча имкониятларни яратди.

Бугунги кунда **“Labor migration”** электрон дастури орқали меҳнат мигрантларини тартибли ишга ёллаш ва шунингдек, уларга ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам бериш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. АКТ технологияларини кенг жорий этиш орқали хорижда меҳнат қилаётган мигрант хотин-қизларни рўйхатга олиш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. AZAMATOVA G. Illegal Migration And Human Trafficking //Journal of Contemporary Issues in Business and Government| Vol. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 3542.
2. Азаматова Г. Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – №. SI-1№ 1.
3. Azamatova G. B. THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND SOUTH KOREA: MUTUALLY BENEFICIAL COOPERATION IN THE FIELD OF LABOR MIGRATION //International Scientific and Current Research Conferences. – 2022. – С. 60-65.
4. Azamatova G. B. SOME CONSIDERATIONS ON THE MIGRATION MOVEMENTS OF THE POPULATION OF JIZZAH REGION AND ITS PERIODIC CHANGE //International Journal Of History And Political Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 09-13.



5. Azamatova G. B. THE MOVEMENT OF WOMEN IN POPULATION MIGRATION:
PROBLEMS AND SOTUTION //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 23. – №. 2.

6. Азаматова Г.Б.ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ҲАРАКАТЛАРИ
МАСАЛАЛАРИ ВА МИГРАНТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. –
2021. – №. SI-3.

